



## МАҲАЛЛАЛАРДА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ.

Мехмонали Суванкулов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,  
Юридик фанлар кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20717934>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-iyun 2026 yil  
Ma'qullandi: 14-iyun 2026 yil  
Nashr qilindi: 16-iyun 2026 yil

### KEYWORDS

вояга етмаганлар, бола  
ҳуқуқлари, профилактика,  
маҳалла, ички ишлар органлари,  
эрта никоҳ, ҳуқуқбузарлик.

### ABSTRACT

Мақолада маҳаллаларда болалар ҳуқуқларини таъминлашда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги таҳлил қилинган. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, таълимдан узилиш, эрта никоҳ ва ғайриижтимоий хулқ-атвор сабаблари ҳамда уларнинг олдини олишда профилактиканинг ўрни ёритилган. “Оила-маҳалла-мактаб” тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш, вояга етмаганларнинг соғлом ва баркамол ривожланишини қўллаб-қувватлаш, шунингдек улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда ички ишлар органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим ва ижтимоий соҳа муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Айниқса, “оила-маҳалла-мактаб” тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар болалар тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали ижтимоий механизм сифатида хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳолатларининг ортиши, таълим жараёнидан узилиш, эрта никоҳ, ота-оналар томонидан тарбиявий ва моддий мажбуриятларни тўлиқ бажармаслик, шунингдек болаларнинг ғайриижтимоий муҳитга тушиб қолиши каби муаммолар сақланиб қолаётгани ушбу соҳадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш зарурлигини кўрсатмоқда. Мавжуд ҳолатлар профилактик фаолиятнинг тизимли ва узлуксиз эмаслиги, айрим йўналишларда эса асосан ҳуқуқий таъсир чораларига таянилаётганини англатади.

Бу эса ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, “Маҳалла еттилиги” институти имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда вояга етмаганлар билан индивидуал профилактик ишларни кучайтириш заруратини юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан, мавзунинг илмий ва амалий жиҳатдан ўрганилиши, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича самарали таклифлар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, айниқса вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар улушининг умумий жиноятчилик таркибида ўсиш тенденцияси кузатилаётганидир.

Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда вояга етмаганлар томонидан 2404 та жиноят содир этилган (умумий жиноятларнинг 2,3 фоизи), 2024 йилда 2850 та (2,8 фоиз), 2025 йилда эса 3144 та жиноят қайд этилган бўлиб, бу 2024 йилга нисбатан 10,3 фоиз ўсишни ташкил этади<sup>1</sup>.

Ушбу кўрсаткичлар вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик динамикасида барқарор ўсиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатиб, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш заруратини англатади.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш соҳасидаги ислохотлар, шунингдек “Тараққиёт стратегияси” ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашни талаб этади.

Бу жараёнда миллий менталитетга хос анъанавий қадриятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маҳалла муҳитида бола тарбияси нафақат ота-она, балки бутун жамоанинг умумий масъулияти сифатида қаралади. Шу боис кўни-кўшнилари бола тарбиясига бефарқ бўлмасдан, зарур ҳолларда уни тўғри йўлга йўналтириш ва назорат қилишда иштирок этади.

Айнан шу ижтимоий ёндашув “Бир болага етти маҳалла ота-она” деган тамойилда ўз ифодасини топиб, халқимизнинг тарбия маданияти ва ижтимоий ҳамжиҳатлигининг муҳим кўриниши ҳисобланади.

*Ички ишлар органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда болалар ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш бўйича қуйидаги ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширади:*

**Биринчидан**, маҳаллада яшовчи ота-оналарнинг вояга етмаган фарзандларига нисбатан ижтимоий, иқтисодий ва таълим ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мажбуриятлари бажарилиши ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида назорат қилинади.

Таҳлилларга кўра, айрим ҳолларда ота-оналар томонидан фарзандларни моддий таъминлаш – озиқ-овқат, кийим-кечак, таълимга қатнов харажатлари ва тиббий хизматлар билан таъминлаш каби мажбуриятлар бажарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига мувофиқ, ота-оналар фарзандларини вояга етгунига қадар боқиш, тарбиялаш ва уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун зарур ғамхўрлик қилишга мажбур ҳисобланади<sup>2</sup>.

Вояга етмаган фарзандларни моддий жиҳатдан таъминлашдан ота-оналарнинг бўйин товлаши ҳолатлари, уларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, икки гуруҳга ажратиб ўрганилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг профилактикаси бўйича 2024 йилда амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ахбороти // [https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\\_media\\_.pdf](https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2_media_.pdf);

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон; <https://lex.uz/docs/6449033>;

1. *Ота-онанинг хулқ-атвориға боғлиқ салбий омиллар:* а) спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга ружу қўйганлиги; б) ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишдан бўйин товлаши; в) оилавий муносабатларда сурункали низо ва жанжалларнинг мавжудлиги.

2. *Ота-онанинг ҳаракатиға боғлиқ бўлмаган ижтимоий омиллар:* а) ногиронлик ёки оғир касаллик туфайли меҳнат фаолиятини амалга ошира олмаслиги; б) суд ҳукмига кўра озодликдан маҳрум этилганлиги; в) иш ўринларининг етишмаслиги ва бошқа шу каби омиллар.

Шу билан бирга, ота-оналар томонидан моддий жиҳатдан таъминланмаган вояга етмаганлар оғир ижтимоий-иқтисодий шароит таъсирида қолиб, ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш мақсадида салбий йўлларга кириб қолиш эҳтимоли ортади. Бундай ҳолатларда ижтимоий муҳит бола учун барқарор ва ижобий ҳаётий танлов имкониятларини чеклаб қўяди.

2025 йил учун республика миқёсидаги таҳлилий маълумотлар ҳам ушбу хулосани тасдиқлайди. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг асосий қисми мулкий жиноятларга тўғри келиб, уларнинг 43,6 фоизи ўғирлик, 4,6 фоизи фирибгарлик, 3,6 фоизи талончилик ва 2,4 фоизи босқинчиликдан иборат эканлиги қайд этилган.

Ушбу кўрсаткичлар ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар ва моддий таъминот етишмовчилиги вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи асосий омиллардан бири эканлигини кўрсатади<sup>3</sup>.

Амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органларининг профилактика хизмати ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида вояга етмаганларни моддий таъминлаш мажбуриятини бажармаётган ота-оналарни аниқлаш, ҳисобини юритиш ҳамда улар билан индивидуал тарзда ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, педагогик ва психологик профилактик ишлар олиб бориш зарур.

“Маҳалла етилиги” фаолияти ҳам айнан шу йўналишда тизимли профилактик тадбирларни ташкил этишга қаратилган.

Таҳлиллар барвақт профилактика устувор бўлишига қарамай, амалиётда кўпроқ МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси ва Жиноят кодексининг 122-моддаси асосида жавобгарлик чоралари қўлланилаётганини кўрсатади.

Мажбурий ижро бюроси маълумотларига кўра, алимент қарздорлиги бўйича 2023 йилда 13 281, 2024 йилда 14 385, 2025 йилда 15 300 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Шу билан бирга, жиний жавобгарлик ҳолатлари ҳам сақланиб қолмоқда.

Алимент тўлаш имконияти бўлмаган ҳолларда эса “Алимент тўловлари” жамғармаси ҳисобидан 2023 йилда 355 нафар, 2024 йилда 666 нафар, 2025 йилда 684 нафар шахсга тўловлар амалга оширилган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва уларнинг профилактикаси бўйича 2024 йилда амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ахбороти //https://api-portal.gov.uz/uploads/5ef940f4-3019-875e-b35b-3eb8b3e4d8c2\_media\_.pdf;

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Мажбурий ижро бюроси маълумотлари //https://mib.uz/

Мазкур статистик маълумотлар ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдан кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатлари устувор амалга оширилаётганини кўрсатади.

**Иккинчидан**, ушбу маълумотлар ҳамкорликдан кўра ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш амалиёти устувор эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига мувофиқ, ҳар бир вояга етмаган шахс таълим олиш ҳуқуқига эга бўлиб, умумий ўрта ва бошланғич профессионал таълим давлат томонидан кафолатланади ҳамда умумий ўрта таълим мажбурий ҳисобланади.

Шу билан бирга, таълим ҳуқуқини таъминлаш фақат ички ишлар органлари эмас, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва таълим муассасалари вояга етмаганларни тарбиялаш ҳамда уларнинг соғлиғи ва ривожланишини таъминлаш жараёнида ота-оналарга кўмаклашиши белгиланган<sup>5</sup>.

Афсуски, мактаб ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириш даражасига оид маълумотлар давлат органлари ва жамоатчилик назорати институтлари ўртасидаги ҳамкорлик етарли даражада самарали эмаслигини кўрсатмоқда.

Сўров натижаларига кўра, ўқувчиларнинг дарс қолдириш сабаблари асосан қуйидагича тақсимланган: 75,4 фоиз – бетоблик, 8,9 фоиз – ота-онага ёрдам бериш, 3,1 фоиз – қаровсиз болаларни парвариш қилиш, 1,7 фоиз – репетитор билан шуғулланиш, 1,1 фоиз – таълим харажатлари учун маблағ етишмаслиги. Шунингдек, 8,5 фоиз ота-оналар фарзандининг дарс қолдириш сабабини билмаслигини билдирган<sup>6</sup>.

Вояга етмаганларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ота-оналар зиммасидаги мажбуриятларни бажармаслик ёки тўққинлик қилиш ҳолатлари учун 2025 йил давомида 176 679 нафар ота-она Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси 1-қисмига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, назоратсиз ва қаровсиз қолган 11 393 нафар вояга етмаганлар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилиб, уларга зарур ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилган.

Ушбу маълумотлар соҳада барвақт профилактика чоралари, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Яъни, профилактик ишлар тизимли ва идоралараро ҳамкорлик етарли даражада шаклланмаган ҳолда амалга оширилаётганини англатади.

Шу билан бирга, сўровда иштирок этган инспектор-психологларнинг фикрларига кўра, “Давомат” тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида маҳалла “еттилиги” аъзолари билан ҳамкорлик даражаси турлича баҳоланган: 48,1 фоиз – “аъло”, 17,6 фоиз – “яхши”, 12,2 фоиз – “қониқарли”, 18,3 фоиз – “қониқарсиз”.

<sup>5</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон; <https://lex.uz/docs/5013007>

<sup>6</sup> <https://imrs.uz/publications/articles-and-abstracts/davomat>;

Ушбу натижалар ўқувчилар давомати ва профилактик тадбирлар бўйича ҳамкорликда ижобий тенденциялар мавжуд бўлса-да, айрим йўналишларда тизимни такомиллаштириш зарурати сақланиб қолаётганини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, вояга етмаганларнинг таълим ҳуқуқи ота-оналарнинг лоқайдлиги сабабли таъминланмай қолиши ҳолатларида “оила–маҳалла–мактаб” тизими асосида ёндашувни кучайтириш зарур. Бунда ички ишлар органлари профилактика хизмати “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ижтимоий профилактика ишларини самарали ташкил этиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 мартдаги ПҚ–110-сон “Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори 3-бандининг кичик “б” бандига мувофиқ, Ички ишлар вазирлигига бир қатор вазифалар юклатилган.

Жумладан, ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, шунингдек профилактика инспекторлари томонидан тарбияси оғир ўқувчиларнинг яшаш жойларида уларнинг ота-оналари ва маҳалла фаоллари иштирокида манзилли профилактик ишлар олиб бориш амалиётини йўлга қўйиш белгилаб қўйилган.

Бу эса вояга етмаганлар билан ишлашда профилактик таъсирчанликни ошириш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ҳамда идоралараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишни назарда тутаяди.

**Учинчидан**, Учинчидан, эрта никоҳ ҳолатларининг олдини олиш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали бартараф этиш орқали вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 47<sup>3</sup>-моддасига мувофиқ, никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришиш, уларни никоҳга бериш ёки уйлантириш, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда диний никоҳ маросимларини ўтказиш тақиқланган ҳисобланади.

Шунга қарамасдан, амалиётда ушбу ҳолатлар ҳали ҳам учраб турибди. ФХДЁ маълумотларига кўра, эрта никоҳ ҳолатлари 2020 йилда 88 та, 2021 йилда 92 та сифатида қайд этилган бўлиб, уларнинг тўлиқ бартараф этилмагани кузатилмоқда<sup>7</sup>.

Мазкур кўрсаткичлар эрта никоҳларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган профилактик ишлар муайян самара бераётганини кўрсатса-да, бу йўналишда тизимли, узлуксиз назорат ва тарғибот ишларини янада кучайтириш зарурлигини ҳам англатади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ижтимоий сўров иштирокчилари эрта никоҳ ҳолатлари кўп омилли эканини қайд этган. Жумладан, 70 фоиз – ота-она ва оила таъсири, 26 фоиз – севги-муҳаббат муносабатлари, 3,4 фоиз – қутилмаган ҳомиладорлик, 1,5 фоиз – диний қарашлар билан боғлиқ сабабларни кўрсатган<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> <https://www.kun.uz/kr/news/2024/05/14/ozbekistonda-bir-yilda-22-ta-erta-turmush-holatlari-aniqlandi>;

<sup>8</sup> <https://cyberleninka.ru/article/n/erta-niko-va-uning-o-ibatida-yuzaga-kelayotgan-muammolar>;

Шунингдек, эрта турмушнинг салбий оқибатлари сезиларли эканлиги аниқланган. Хусусан, эрта никоҳга кирган ёшларда таълим жараёни узилиши кузатилган. Шу билан бирга, 40,2 фоиз ўсмир қизларда соғлиқ ҳолати ёмонлашгани, 25,2 фоизда эса иқтисодий қийинчиликлар қайд этилган.

Ушбу маълумотлар эрта никоҳнинг ҳуқуқий, ижтимоий, тиббий ва иқтисодий жиҳатдан жиддий салбий оқибатларга эга эканини кўрсатади.

Эрта никоҳнинг олдини олишда “Маҳалла еттилиги” — профилактика инспекторлари, маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчилари ҳамкорлиги муҳим ҳисобланади. Бу орқали ҳуқуқий онгни ошириш, тарғибот ишларини кучайтириш ҳамда эрта никоҳ омилларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш имконияти кенгайди.

**Тўртинчидан**, амалиётда фарзандларни ғайриижтимоий хулқ-атворга жалб этиш ҳолатлари – спиртли ичимлик истеъмоли, чекиш, гиёҳванд моддалар, тиланчилик, қимор ва ҳуқуқбузарликларга аралашуш кўринишида учраб турибди.

Бу ҳолатлар кўпинча ота-оналарнинг салбий турмуш тарзи, оиладаги зўравонлик, низо ва нотинчлик, шунингдек болаларни ҳам ғайриижтимоий муҳитга жалб этиш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг руҳий ва ижтимоий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Натижада вояга етмаганларда ҳуқуқий онг ва ўзини бошқариш кўникмалари етарли шаклланмай, қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликка мойиллик кучаяди.

Шу боис, мазкур тоифадаги ота-оналар ва болалар ижтимоий профилактика объекти сифатида қаралиб, “Маҳалла еттилиги” томонидан комплекс ижтимоий, психологик, педагогик ва ҳуқуқий чора-тадбирлар индивидуал ёндашув асосида амалга оширилиши зарур ҳисобланади.

**Хулоса ва таклиф.** Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар ҳуқуқларини таъминлаш ва улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этса-да, амалиётда бу ҳамкорлик ҳар доим ҳам етарли даражада тизимли ва самарали йўлга қўйилмаган. Шу билан бирга, ота-оналарнинг мажбуриятларини бажармаслиги, таълимдан узилиш, эрта никоҳ ва ғайриижтимоий муҳит таъсири каби омиллар болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан, вояга етмаганлар билан ишлашда “оила-маҳалла-мактаб” тизимини янада мустаҳкамлаш, “Маҳалла еттилиги” фаолиятини манзилли ва индивидуал профилактика тамойили асосида кучайтириш, ота-оналар билан тарбиявий-ҳуқуқий ишларни тизимли йўлга қўйиш ҳамда эрта огоҳлантириш механизмларини самарали татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, профилактика ишларида ҳуқуқий таъсир чоралари билан бир қаторда ижтимоий, педагогик ва психологик ёндашувни устувор қилиш орқали вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш самарадорлигини ошириш зарур.